

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий ўқув юртлири талабалар театру студияларининг «Ниҳол-2002» республика театр санъати аънавий фестивали бошланди.

Бундан уч йил муқаддам истеъдодли ёшларни кашф этиш, турли олий ўқув юртлири талабалари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган фестивалда дастлаб 12 та ижодий жамоа иштирок этган эди. Бугунга келиб уларнинг сони 26 тага етди. Унда Қирғизистон Республикаси Ўш давлат университети ижодий жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

27 апрелгача давом этадиган фестивалнинг дастлабки кунда Тошкент давлат санъат институти ижодий жамоасининг «Хазон бўлган умр», Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаларининг «Чорраҳадаги чойхона» ва бошқа спектакллар намоиши этилди.

(ЎЗА).



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 24 апрел, чоршанба №66 (1283)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ТАДБИРКОР ҚУРГАН ТУЗАР

Китоб шахрига кираверишда йўлнинг ўнг томонидаги шинагина бино диққатингизни тортади. Тадбиркор Зарифжон Ражабовнинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган «Санам» маҳалла гузари саккиз ойда қуриб битказилди. Гузарда аҳолига хизмат қиладиган барча қулайликларга эга бўлган маиший ва савдо тармоқлари мавжуд.

— Илгари кўримсиз бўлиб ётган бу жойни ободонлаштириш, кишилар учун барча имкониятларга эга бўлган маҳалла гузари барпо этишдек эзгу ишни «Санам» маҳалла фуқаролар йигини раиси Зарифжон Ражабов ўз зиммасига олди, — дейди туман ҳокими Сайфулла Азизов. — Биз бундай тадбиркор, халқ манфаати учун хизмат қиладиганларни доимо қўллаб-қувват-

лаймиз. Тумандаги Меликул Бобоев номидаги ширкат ҳужалигида бир неча йил деҳқончиликда ишлаб, нафақага чиққан Жаббор ота Ражабов фарзандларини меҳнатга лаёқатли, кишилар қорига ярайдиган қилиб вояга етказди. Хошимжон, Зарифжон, Алишер, Зубайдулло исмли фарзандари отанинг тўрт қаноти. Ҳозирда 80 ёшли Жаббор ота маҳалла фуқароларига бир неча йил бошчилик қилиб, нафақага чиққан, бу ишни ўғли Зарифжон давом эттирди. Ота маҳалла гузари бош бўлиб юрган пайтларида бир неча савобли ишларни амалга оширди. Ёстиқдоши Робия ая билан бир этак набира ва чеваралари қуршовида бахти баркамол оилалардан ҳисобланади. Маҳалла ахлининг бу оилга ҳавас билан боқishi бежиз эмас. Ҳавас

қилса арзигулик ишлари билан барчага намуна бўлган ота фарзандлари бирлашиб маҳалла гузари барпо этишгандан туман аҳли хурсанд бўлди. «Санам» маҳалласида 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда Зарифжоннинг алоҳида хизматлари бор. Маҳалла гузарида тикувчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, савдо расталари, эҳтиёт қисмлар дўкони, сартарошхона, пойфазл таъмирлаш сингари маиший хизмат турлари мавжуд. Энг муҳими — бу ерда ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Гузарни тиклашда Файзулло Ғозиев, Суяр Узоқов, Яшин Жабборов, Акбар Ҳамроев сингари тадбиркорлар яқиндан кўмак беришди.

— Гузар қурилишидаги барча йўлларни туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси йўлсозлари амалга оширишди, — дейди Жаббор ота. — Хусусан, бошқарма бошлиғи Мўмин Мирзаевнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Яқинда туманда маҳалла гузарлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда «Энг яхши маҳалла» деб топилиб, туман ҳокимлигининг қимматбаҳо мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, касаба уюшмалари туман кенгашининг сикатгоҳга йўлланма билан тақдирланган.

Ш.СУЛТОНОВ.

Суратларда: гузар қурилишида фаолият кўрсатган Жаббор ота Ражабов, Мўмин Мирзаев ҳамда Файзулло Ғозиев; маҳалла гузарининг умумий кўриниши.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда муҳим меъёрий ҳужжат

Мамлакат иқтисодини тараккил этган давлатлар даражасига етказишда кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти бекиёсдир. Шу боис, республикамиз раҳбарияти бу соҳага қатъи эътибор билан қарамокда. Мустақиллик йилларида қабул қилинган қўллаб-қўзиш Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари фикримизнинг яққол далилидир. Натижада мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланди ва ривожланмоқда. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Улар тадбиркорларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор беришмоқда. Бунда жамоа шартномаси кўл келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон бўлган муносабат ўзгартириш, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси ва Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасида тузилган 2001-2003 йилларга мўлжалланган тармоқ келишуви натижасида бирмунча ишлар қилинди. Жойларда корхона, ташкилотлар билан бошлангич касаба уюшмалари ўртасида 2191 та келишув ва жамоа шартномалари тузилди. Унда белгиланган тадбирларни бажариш учун ўтган йили хар бир одамга 18 минг 528 сўм маблағ сарфланди.

Ходимлар учун қулай иш шартларини яратиш, қўшимча иш жойларини очиб, банкротга ураган ёки бошқа сабабларга кўра иш фаолиятини тўхтатган корхона ходимларига қонунларда белгиланган тўловларни тўлаш шартномаларида акс этган. Бунинг натижасида жойларда ишчи ва хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Меҳнатга

ритилди. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда Тошкент туманидаги «Астрафарм Ко» хусусий корхонасининг ҳам ишлари диққатга сазовордир. Олинган соф фойданинг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишчиларнинг иш шартини яхшилаш мақсадлари учун сарфланди. Хусусан, меҳнат қилаётган 30 нафардан ортиқ ходимларга бепул тушлик овқат ташкил этилган. Уларга доимий равишда мадад пули бериб берилади. Ишга келиб қотишлари учун корхона ихтиёридаги микроавтобус хизмат қилади. Дам олиш уйлари, сикатгоҳларга берилаётган йўлланмалар ҳам корхона ҳисобидан қопланади.

Самарқанд туманидаги «Миришкор» фермер ҳўжалиги 45 гектар ерда галла, маккажўхори, картошка, сабзавот ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштиришга эришди. Иссиқхона ва дала юмушларида 100 нафар меҳнаткаш мавсумий шартнома асосида ишлайди. Абдурауф Давронов бошчилик қиладиган бу фермер ҳўжалиги 7 гектар ташландик жойга маккажўхори экиб, чорва учун етарли миқдорда силос жамғаришга эришди. Ҳозирги кунда ҳўжаликда 40 бош зотдор новвос меҳр билан парвариш қилинмоқда. (Давоми 2-бетда).

«УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2002»

2000 йилдан бошлаб мамлакатимизда уч бўғинли спорт тизими асосида умумий ўрта, ўрта махсус касб-хўна ва олий таълим муассасалари ўқувчи ҳамда талаба-ёшлари ўртасида мусобақалар ўтказишга киришилди. Дастлаб Наманганда олий ўқув юртлири талабаларининг «Универсиада-2000» мусобақалари бўлиб ўтди. Унинг республика босқичида 2 минг нафардан зиёд талабалар иштирок этишди. 2001 йилнинг 30 апрел - 5 май кунларида Жиззахда ўтказилган республика ўрта махсус касб-хўна таълими тизимидаги коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари иштирокидаги «Баркамол авлод» спорт ўйинларида 538 минг нафар мамлакатимиз ўғил-қизлари ўзаро беллашдилар.

Бугун гўзал Фарғонада ушбу узлуксиз спорт тизимининг учинчи бўғини — республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» баҳсларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Мазкур мусобақанинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган 1918 нафар ўқувчи спортнинг 11 тури бўйича баҳс олиб боради. Мутахассисларнинг эътирофи этишча, дунё мамлакатларида ўқувчи ва талабаларнинг турли спорт мусобақалари ўтказилади, ammo ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бундай уч

бўғинли узлуксиз тизими жaxon тажрибасида ҳали кузатилмаган. Кувонарлиси, бунга илк маротаба Ўзбекистонда асос солинди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Илгари хабар қилингандек, Паркент туманидаги «Физика-куёш» илмий ишлаб чиқариш марказида куёш иссиқлиги ёрдамида ёндирилган мусобақа машъала-

си бугун Фарғонага етиб келади. Машъаланинг дастаги чинор дарахти ёғочидан ишланган бўлиб, бу теран тарихимизга, халқимизнинг мустаҳкам иймон ва иродаси ҳамда мустақиллигимиз боқийлигига ишора, соғлом ҳаётимиз белгисидир. Лола шаклида тайёрланган даста таъриқдор қисми эса янгилини ва ёшлик рамзи саналади. Машъаланинг тож қисми оқ пўлатдан ясалган бўлиб, миллий бойлигимиз бўлмиш пахта шаклидаги зийнатлар билан безатилган. Сарик металлдан ясалган, янги ой, юлдузлар ва гўлбар элементлари билан жиҳозланган юқори қисм ҳам ўз латофатига эга: осодлигимиз, тинч ва осуда ҳаётимиз фаровон турмушимиз ифодасини билдиради.

Бугун эстафетачилар томонидан Паркент-Янгибўзор-Уртасарой-Охангарон-Нуробод-Ангрен-Қамчиқ дово-Поп-Дангара-Қўноқ-Учкўприк-Бувайда-Бағдод-Олти-

рик йўналиши бўйича Фарғонага келтирилган мусобақанинг рамзий ифодаси бўлган машъалани кутиб олиш учун минглаб фарғоналиклар, меҳмонлар, ёшлар тайёр бўлиб туришибди.

Мусобақанинг очилиш маросими, тантаналари Марказий хиёбондаги ал-Фарғоний ёдгорлиги мажмуидан бошланиши режалаштирилган. Белгиланган вақтда бу ерда ҳозир бўладиган мусобақа меҳмонлари ва иштирокчилари буюк мутафаккир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишади. Сўнгра байрам иштирокчилари карнай-сурнай садолари остида марказий «Фарғона» ўйингоҳи томон йўл олишади. Бу ерда мамлакатимизнинг таниқли санъат арбоблари, ёш санъаткорлар тайёрлашган сценарий асосида мусобақанинг очилиш тадбирлари давом этади.

Бугун Фарғонада бошланаётган катта байрам — «Умид ниҳоллари» мусобақасининг аҳамияти шундаки, умумий таълим мактабларида билим олаётган миллионлаб ёшларни спортга жалб қилиш, оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасига кўтариш, спортнинг олимпия, оммавий, ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантиришга ҳамда ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқаро майдонларда Ўзбекистон спорти нуфузини оширишга хизмат қилади.

Мўйдинжон СОБИТОВ.

ЧИҚИНДИДАН — МАҲСУЛОТ

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида «Заурак-Милл» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини очиш тўғрисида битимга келинди. У табиий газ чиқиндисидан олтингургурт кукуни ишлаб чиқаради.

Илгари чиқинди сифатида ташлаб юборилган олтингургурт парчалари эндиликда хомашё ўрнида ишлатилади. Қўшма корхона маҳсулоти - органик ўғитларга талаб катта. «Заурак-Милл» оқич турдаги акционерлик жамияти ва «Қишлоқхўжалик-кимё» давлат акционерлик бирлашмаси, немисларнинг «Шуманн ГМБХ» фирмаси «Заурак-Милл» нинг таъсисчилари бўлди.

«Асакабан» томонидан ажратилган 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит технология усулларини сотиб олиш учун «Ротамилл» (Германия) фирмаси ҳисоб-рақамига ўтказилди. Айни вақтда ишлаб чиқариш майдонлари тайёрланмоқда. Биринчи маҳсулотни Мустақиллик кўни арафасида ишлаб чиқаришни режалаштирилган қўшма корхона иш бошлагач, 40 киши иш билан таъминланади. (ЎЗА).

КЎЧМА КУБОК СОҲИБИНИ КУТМОҚДА

Меҳнаткашлар ўртасида оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасига кўтариш ўта муҳим масалага катта таъйёрлик қўриган ҳолда, ихлос билан ёндошишни тақозо этади. Ўзбекистон КУФКнинг Кўчма кубоги учун мини футбол бўйича касаба уюшмалари тарма жамоалари ўртасидаги аънавий тармоқлараро республика турнирининг якунловчи босқич беллашувлари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган тадбирлардан биридир.

Яна бир неча кундан сўнгра республика касаба уюшмаларининг «Яккасарой» спорт мажмуидида мазкур турнирда даставвал таъйинланди. Мусобақаларда тармоқ ходимлари касаба уюшмаларининг тарма жамоалари, шунингдек, Республика касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси кўчма кубокни қўлга киритиш учун кураш олиб боришади. Голиб ва совриндор жамоалари кўчма кубок, медал ва фахрий ёрлик ҳамда 650 минг сўмлик эсдалик совғалари кутмоқда. Бундан ташқари, «Энг мерган ҳужумчи», «Энг яхши дарбозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Еши улғў иштирокчи», «Энг яхши мурабий», «Ғалабага бўлган иродаси учун» каби номинациялардаги мукофотлар ўз соҳибларига топширилади. Кўчма кубокни қўлга киритиш учун кураш олиб боришади. Голиб ва совриндор жамоалари кўчма кубок, медал ва фахрий ёрлик ҳамда 650 минг сўмлик эсдалик совғалари кутмоқда. Бундан ташқари, «Энг мерган ҳужумчи», «Энг яхши дарбозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Еши улғў иштирокчи», «Энг яхши мурабий», «Ғалабага бўлган иродаси учун» каби номинациялардаги мукофотлар ўз соҳибларига топширилади. Кўчма кубокни қўлга киритиш учун кураш олиб боришади. Голиб ва совриндор жамоалари кўчма кубок, медал ва фахрий ёрлик ҳамда 650 минг сўмлик эсдалик совғалари кутмоқда. Бундан ташқари, «Энг мерган ҳужумчи», «Энг яхши дарбозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Еши улғў иштирокчи», «Энг яхши мурабий», «Ғалабага бўлган иродаси учун» каби номинациялардаги мукофотлар ўз соҳибларига топширилади.

қариб боришни республика ва биринчи тоифадаги малакали ҳакамлар ўз зиммасига олганлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Хуллас, 5 кун давомида «Яккасарой» спорт мажмуидида катта футбол байрами билан яшайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Кўчма кубоги учун бўладиган қизиқарли мини футбол баҳсларида барча футбол иштирокчилари чорлаб қоламиз.

Аскарали СУЛТОНОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири.

Касаба уюшма тадбири



<p>«А» гуруҳи</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. «Автомобилчи» 2. «Марказий АСМ» 3. «Авиатор» 4. «Алоқачи» 	<p>«С» гуруҳи</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. «Семур» 2. «Нурчи» 3. «Машинасоз» 4. «Маорифчи»
<p>«В» гуруҳи</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. «Ардус» 2. «Горняк» 3. «Шифокор» 4. КУФК 	<p>«Д» гуруҳи</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. «Бунёдор» 2. «Матбуотчи» 3. «Тадбиркор» 4. «Темирйўлчи» 5. «Зафар»

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ... ИШҚ ЎТИНИНГ КУЮГИ

Эй, кўнгулда шахди лаълинг хасратидин юз тешук, Хар тешукдур шахд занбури уйи янглиг чучук.
Гар тери бирла сўнгакмен туьма ҳам қилмас итинг Ким, тери асру қатик бўлмиш, сўнгак асру чурук.
Не лабингдин ком топтим, не кўзунгдин жавр ўқи, Бу сифат махрумлуқтин не тирикмен, не ўлук.

Уйла занжири жунун расвосименким, ҳар замон Теграма Фарҳоду Мажнундек йиғилмиш бир сурук.
Ишқ ўтидин куллуғинг доғини кўйдум кўксума, Ўзни бу навъ айладим ишқ аҳли ичра белгулук.
Фақр водийсинда ўзлук неча камрак яхшироқ, Йўлни осон қатъ этар солиқ энгилрак бўлса юк.
Элга ўт солдинг вале куйди Навойи гуссадин, Ўшамас ўт бирла куйдурганга бу янглиг куоқ.

Аслида ҳақиқий ишқнинг талаби шу — илоҳий ишқ ўти чақилганда ёниб йўқ бўлиши учун ошқ жисми ранжу машаққатлардан ҳасдай бир ҳолга келиши, ҳижрон азобларидан бир соҳ толасидай ингичка тортиши керак. Сўфиёна адабиётда ошқ жисмининг хас, соҳ ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга ўхшатилиши шундан.

Не лабингдин ком топтим, не кўзунгдин жавр ўқи, Бу сифат махрумлуқтин не тирикмен, не ўлук.

Байтда лирик қахрамоннинг муаллақ, мавҳум бир ҳолати, иккиланлиши, шубҳа-гумонлари ўз аксини топанг: ўзини чинакам ошқлар қаторига қўшмоқчи бўлса, маъшуқа бирор-бир мужда билан уни умидвор этмаган, айна пайтда, ноумид ҳам қилмаганки, кўнгул узиб кетай деса.

Уйла занжири жунун расвосименким, ҳар замон Теграма Фарҳоду Мажнундек йиғилмиш бир сурук.

Маълумки, Мажнун Лайли ишқиде саҳрони макон тутганида, Фарҳод эса Ширин туйфайли Хусрав томонидан Салосил кўрғонда банди қилинганда уларнинг ҳамрозу ҳамсуҳбати жониворлар эди. Шоир ўзининг ишқдаги аҳволини мазкур машхур ошқлар тақдирига ўхшатиб, мен ҳам телбалик занжирининг жунуни бўлдим, менинг ҳам теграмда Фарҳоду Мажнун каби бир сурук йиғилган, дейди. Бу билан Навойи тафаккур

соҳибни ҳисобланмиш одамлар Фарҳоду Мажнунни тушунмаганлари холда, онгсиз ва тилсиз ҳайвонлару қушлар уларга ҳамдард бўлганлари мисолида Оллоҳни ақл воситасида билб бўлмайди, унга фақат кўнгул билан етиш, уни ёлғиз сезгилар ёрдамида ҳис қилиш мумкин, деган сўфиёна ҳақиқатни баён этган. Фарҳод ва Мажнун ҳақидаги дostonларда ҳам, келтирилган байтда ҳам жониворларнинг илоҳий ишқдан бебахра кишилардан устун қўйилишига сабаб шу.

Ишқ ўтидин куллуғинг доғини кўйдум кўксума, Ўзни бу навъ айладим ишқ аҳли ичра белгулук.

Маълумки, қадимда кулдорлар ўз кулларининг белгилари бўлиб туриши, қочиб кетмасли-



ги учун уларнинг баданига махсус тамға босганлар. Шоир шу ҳодисага ишора қилиб айтдики, мен ҳам ишқинг ўти билан кўксимни куйдириб, бир доғ ҳосил айладим. Бу доғ куллик тамғасига ўхшайди. Шу йўл билан ўзимни ишқ аҳли ичра белгилик қилдим. Энди қаерга қадам қўймай, кўксимдаги ишқ доғига қараб, ҳамма менинг содик ошқ эканлигимга ишонч ҳосил қилади.

Фақр водийсинда ўзлук неча камрак яхшироқ, Йўлни осон қатъ этар солиқ энгилрак бўлса юк.

Фақр — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Бу сўзинг лугавий маъносига қашшоқлик, бенаволик бўлса-да, тасаввуфий маънода фақирлик ҳеч нарсанинг йўқлиги эмас, балки дунёга, мол-мулкка рағбатнинг, эғалик ҳиссининг бўлмаслиги, давлатманд бўлган тақдирда ҳам ўз бойлигига Худонинг мулки деб қараш. Маса-

лан, Хожа Аҳрор Валий ҳисобсиз мол-дунёга эга бўлгани холда, ўзи дарвешона ҳаёт кечирган.

Ўзлик — инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо ёдидан чалғитади. Тасаввуфга кўра улар инсон бўйнидаги юк ҳисобланади. Маълумки, йўлчининг юки қанча кўп ёки оғир бўлса, унинг йўли шунча секин унади. Асинча, юки энгил киши манзилни тез босиб ўтади. Хожа Ориф ар-Ревгарий таъбири билан айтганда: «Ул қушқи, бўйнида оғир юк осиглик экан, бас, қандоқ парвоз айласун?! Солиқим, бу дунёга дилбандлиги бисёрдир, илоҳий парвоз қилмас ва талаб водийсига қадам қўёлмас». Бинобарин, бу каби моддий тўсиқлар қанча кам бўлса, фақр йўлига кирган солиқнинг илоҳиёт сари сайри шунча осон, энгил кечади. Чунки кўнгул то дунёвий муҳаббатдан мосуво бўлмай туриб, унга илоҳий ишқ ташриф буюрмайди. Шоирнинг ўзи бошқа бир ғазалида бу ҳақда: «Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим», — деган эди.

Бу жихатдан машхур авлиё ва шоир Фариддин Аттор билан боғлиқ куйидаги ривоят диққатга сазовор:

«Муҳаммад отасидан қолган атторлик дўконда доридармон билан савдо қилиб ўтирганида бир гадо кириб, садақа сўрабди. У эътибор қилмабди. Гадо яна сўрабди. Яна шу ҳол такрорланибди. Шунда гадо дебди: — Сен қандай ўласан? — Сен қандай ўласан, мен ҳам шундай ўламан, — дебди хайрон бўлиб Аттор.

Гадо: — Йўқ, сен мендек ўлолмайсан. Чунки сенинг юкинг оғир: мол тўла дўконинг, пул тўла ҳамёнинг, уй ва саройинг бор. Тезроқ ўз ишининг тадбирини қил. Менинг эса бу дунё билан ҳеч қандай боғлиқлигим йўқ. Шунинг учун мен мана бундай ўламан», — дебди-да, қовоқ қачқулини бошининг остига қўйиб, жон берибди. Бу воқеа Атторга қаттиқ таъсир қилибди. Мавжуд ҳаётидан тавба қилиб, бор мол-мулкни қариндош-уруғларига бўлиб бериб, сахрога чиқиб кетди — дарвешлик йўлига кирди».

Элга ўт солдинг вале куйди Навойи гуссадин, Ўшамас ўт бирла куйдурганга бу янглиг куоқ.

Дарҳақиқат, ишқ ўтининг куюги ўзинга муносиб пок ва ҳассос кўнгуллари манзил тутайди.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Термиз автомобил мактабиде малакали мутахассислар тайёрлаш билан бир каторда ёш авлоднинг маънавий ва маърифий билимларини ошириш борасида ҳам самарали ишлар қилинмоқда.

Айни кунда мактабда 300 нафардан ортиқ талабалар техника сирларини сабот билан ўрганишмоқда. — Курсантларимизга миллий гурур, Ватанга садоқат ва уни ардоқ-



САДОҚАТ ТИМСОЛИ

лаш каби туйғуларни ҳаётий ҳақиқат орқали, қолаверса, улуг аждодларимизнинг эзгу ишлари мисолида кўрсатиб бораёلمиз, — дейди мактаб директори Бобомурод Холлиёров. — Мактабимизда «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этилган. Бу ерда курсантлар билан мунтазам равишда суҳбатлар уюштирилмоқда. Шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда турли мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда.

Автомобил мактабиде айникса, спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳарбий спорт тўғрисида ёшлар спортининг барча турлари билан шугулланишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Айникса, волейбол, югуриш, турникда тортилиш ва узокликка сакраш майдончалари хамиша гавжум. Курсантлар ўртасида тез-тез кураш мусобақалари ўтказиш аъёнага айланган. Виллоят биринчилиги мусобақаларида Оромиддин

Файзиёв, Фахриддин Холмўминов ва Рустам Жалиловлар биринчи ўринни эгаллашди. Шаҳрисабзда ўтказилган республика миқёсидаги беллашуларда ҳам уларнинг қўли баланд келди. Курсантлар билан тарихий жойларга саёхат уюштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшлар қалбиде ўз юртидан фахрланиш, буюк аждодларига муносиб вадос бўлиш туйғусини уйғотмоқда. Табиийки, курсант-

ларнинг бўш вақти ётоқхонада ўтади. Шунинг учун ётоқхонани уларнинг иккинчи уйига айлантириш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Кутубхона доимий равишда ёшлар хизматида. Ҳар бир қаватда телевизор қўйилган, шахмат-шашка ва кичик теннис столлари ўрнатилган.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ФРАНЦИЯДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ

Франциянинг кейинги 30 йиллик тарихида бундай сиёсий воқеа камдан-кам учраган. Утган яқшанба кунни бўлиб ўтган президентлик сайловлари кутилмаган натижаларга бой бўлди. Одамлар сайловларда мамлакатнинг амалдаги президенти Жан Жак Ширак ва бош вазир Лионель Жоспен иккинчи босқичга чиқадилар деб «башорат» қилган эдилар. Лекин, кутилмаган вазият рўй берди. Ж.Ж.Ширак учун 19,6 Миллий фронт ўта ўнг қаноти раҳнамоси 73 яшар Жан-Мари Ле Пен учун эса 17 фойз овоз берилди. Бундай ҳолатни оммавий ахборот воситалари «Ҳайрат», «Зилзила», «Бомба портлади» деб шарҳладилар. Айни кунларда Париж қўчаларида ўта ўнларга қарши намойишлар бўлиб ўтмоқда. Президентлик сайловининг иккинчи босқичи 5 майда бўлади.

ҚОЧОҚЛАР ЙЎЛДА

Маълумки, Афғонистон халқининг кўпчилиги бир неча йил ҳукм сурган «Толибон»чиларнинг бедодлигидан қатор мамлакатларга бош олиб кетишга мажбур бўлган эди. Энди улар Эрон, Покистон, Ҳиндистон ҳамда МДХ давлатларига чегарадош ҳудудлардан ўз ватанларига қайта бошладилар. Йўл азобини чекаётган қочқоларнинг кўнгули жойида эмас. Ўз юртиларига етиб борган, қолдириб келган уйларининг бор-йўқлигиндан ҳам бебахарлар. Кунин-кеча Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги Панж минтақасидан кўтарилган 10 минг қочоқ Афғонистон сари йўл олди.

БОШ КОТИБ ҚАРОРИ

Исроил билан Фаластин ўртасидаги қуроли тўқнашуларда бир қадар ўзгаришлар рўй бермоқда. Исроил ўзининг ҳарбий техникаларини Наблус, Вифлеем, Рамоллоҳ шаҳарларидан олиб чиқиб кетди. Шу тариха Урдун дарёсининг гарбий соҳили теграси осойишталикнинг қисқа муддатли соатларига эришди. Бироқ Женин шаҳрида рўй берган отишмалар натижасида фаластинликлардан кўпчилик қурбон бўлди. Бунда жаҳон жамоатчилиги Исроил томонини ҳаддан ташқари шафқатсизликка айбламоқда. Шунинг учун бўлса керак, БМТ бош котиб Кофи Аннан мазкур шаҳарга ўзининг 3 нафар вакилини юборишга қарор қилди.


ҚОТИЛНИНГ ҚЎЛЛАРИ ҚАЛТИРАБ КЕТМАГАНДА...

Испанияда «ЭТА» жанговар гуруҳининг аззоси Хосе Хавьер Арискурен устидан ўтказилган суд ўзининг фаройиблиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Гап шундаки, 1995 йилда қирол Хуан Карлос ўзининг яхтасида дам олаётганда «ЭТА» уни ўлимга маҳкум этган эди. Бу баттоликни амалга ошириш учун танланган мерган қотилликни адо этаётганда уч бора давлат бошлигини нишонга олади. Бироқ қотил чекинмай йўлининг ноқонуслигидан қўчийди, қўллари қалтираб кетди. У бир неча кундан сўнг икки нафар ҳамтовоги билан қўлга олинди.

БОБО ИЗИДАН

Учувчи Чарльз Линдбергнинг номи АҚШда жуда машхур. У 1927 йилда ўзининг «Дух Сент-Луис» деб аталган бир моторлик тайёрасида кўнмасдан Атлантика уммонини кесиб ўтди, Нью-Йоркдан кўтарилган самолёт Францияга муваффақиятли парвоз қилиб борди. Ҳозир унинг ўша тайёраси Вашингтондаги Смитсон музейида фазовий кемалар қаторида намойиш этилмоқда.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.



Инсон борки, доимо ўз ҳаётининг тинч ва фаровон, тўқин-сочин бўлишини истайди ва шунга интилиб яшайди. Қалбиде иймон ва эътиқод туйғуси бўлган инсонларгина бу йўлдан адашмай боришга қодирдир. Афсуски, шоди курмаксиз бўлмаганидек, кишилар орасида ўз кадр-қимматини оёқ ости қилиб, жиноят сари қадам қўяётганлар ҳам учраб туради.

Воқеалар исқандасидан чиқиб кетиш ҳам, домига тушиб гарқ бўлиш ҳам одамнинг иродасига, ўзига боғлиқ бўлар экан. Астойдил интилса, албатта бунга ўзида куч топа олади. Зеро, дунёда ўзини-ўзи тарбиялашдек буюк куч бўлмаса керак. Афсуски, ана шу беназир инъомни ҳар хил бўлмағур йўлларга йўналтираётганлар ҳам орамизда топиларди.

Ана шундайлардан бири М.Аҳроров ўзганинг мулкни қўлга қиритиш мақсадига хотини М.Аҳророва ва Баҳодир номли шахс билан жиноий тил бириктириб, М.Ҳайдарова ва яшайдиган Миробод туман, Янгизамон кўча 11-уй 41—хонадонга келиб, ўзида фуқароларни хорижга жўнатиш учун ваколат бўлмаса-да, М.Ҳайдарованикида яшаётган қариндошлари А.Воҳидов ва А.Абулфайзиёвларни Корея дав-

латига виза очдириб, шартнома орқали ҳеч бунга муаммосиз ишга жўнатишни ваъда бериб, бунинг учун ҳар бир одамга 2000 АҚШ доллари сарф бўлишини айтди. Ўз фирб-гарлик жиноятини жиноий шериклари билан амалга ошириш мақсадида визаларни Қозғистон орқали тўғри-лаб келишини маълум қилиб, М.Ҳайдарова орқали А.Воҳидов, А.Абулфайзиёв ва Р.Ҳайдароваларнинг паспортларини ва 700 АҚШ долларини олиб кетади. Шундан сўнг у жиноятчи шериклари билан биргаликда жиноий режани охирига етказиш мақсадида шериклари фуқаролар

3300 АҚШ долларини ҳам олиб кетади. Сўнгра жиноий шериклари билан жами ўзлаштирилган 4150 АҚШ долларини олиб кўздан ғойиб бўлишди. Тезроқ қидирув натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Шунингдек, фуқаро М.Хусанов Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳудудидаги мол бозорига келади. У ерда Самарқанд вилоятидан қўй олиб келиб сотаётган М.Сафаровнинг ишончига кириб, бобом ҳаж сафаридан келган, эҳсонга қўй сўйишимиз керак деб М.Сафаровнинг сотувда бўлган нархи 160 минг сўмлик оғир вазнли қўйини

сўйдириб, гўштини ажратиб олганидан сўнгра пулни тўлаш баҳонасида М.Сафаровнинг ҳамқишлоғи Ҳаётилла билан биргаликда қўйни амакисиникига олиб келади. У ерда Ҳаётиллага қўйни сўйдиргач, гўштни ўлчаш учун тарози йўқлигини рўқач қилиб, гўштни шу ерда қолдириб кўчага чиқашди. Ҳаётилладан қутулиш илнинжида анча ҳаракат қилади, аммо натижа бўлмагач, уни дўкон олдида қолдириб ўзи воситачи дўкондан ичига 50 долларлик АҚШ сувенири солиб қўйилган конфет олиб чиқади. Конфет ичидан чиққан сувенир долларни М.Сафаровга

Алҳазар!



бериб алдаб кетмоқчи бўлади. М.Сафаров доллар олмайман, ўзимизнинг пулдан бер, деганида гўшт керак эмас, керак бўлса ўзинг топиб олавер деб жавоб беради. Унинг ниятини англаб етган М.Сафаров дарҳол милицияга хабар беради ва шу ернинг ўзида жиноятчи қўлга олинади. Жиноятчи учун на ота-онанинг, на болачақанинг қадри бўлмас экан. Акс ҳолда муқаддас Маккаи Мадина, қолаверса, падари бузрукворини тилга олиб туриб жиноятга қўл урармиди? Бундай кишиларга ҳеч иккиланмай ўз нафси йўлида ҳар қандай жиноятлардан қайтмайди деган нобакор кимсалардир, деб баҳо берсак хато қилмаймиз. Ниятимиз ана шундай кимсаларнинг хийлаю найранги ва гаразли қилмишлари олдида ҳеч бир одам панд еб қолмасин.

Г. РАҲМОНҚУЛОВ, Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБнинг катта терговчиси, милиция капитани.

ФИРИБГАР

Сўнги йилларда Навоий вилоятида соғлом авлодни камол топтиришнинг муҳим омили санлган жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришда таҳсинга лойиқ тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, «Оммавийликдан юксак маҳорат сари» шиори остида меҳнат қилаётган вилоят касаба уюшма спорт вакиллари ўз олдларига қўйилган эзгу мақсад — меҳнаткашлар

ва уларнинг оила аъзоларини, ёшларни оммавий спортга жалб этиш, соғломлаштириш борасида қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Зотан, навоийлик спортчиларнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда қатнашаётганлиги, совринли ўринларни қўлга киритаётганлиги фикримиз далили, қолаверса, вилоят спортининг бугунги нуфуздан далоятдир.



Оммавийлик йўлида

Юзлаб километрларга чўзилган даштликлар, поёни йўқ кенгликлар... Бу ҳудудий ўзига хослик айниқса, шаҳар, туман марказлари ва ҳўжаликлар жойлашувида яққол кўринади. Шунинг учун ҳам бу ерда меҳнаткашлар, ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантиришда маълум қийинчиликлар мавжуд. Ана шундай шароитда ҳам Навоий вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўз вазифаларини астойдил бажаришга интилмоқда.

ҲАВАСКОРЛИКДАН — КАТТА МАЙДОНГА

Айни вақтда вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфида таркибига 30 минг нафарга яқин турли соҳа меҳнаткашларини бирлаштирган 97 та спорт жамоаси фаолият кўрсатмоқда. 2000 йилдан буён 8 та туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти муваффақият билан иш олиб борапти. Хусусан, Шаҳобиддин Ахоров, Даврон Шамбетов, Зоҳид Хайдаровлар раҳбарлик қилаётган Қизилтепа, Қонимех, Хатирчи туманлари спорт жамиятлари фаолиятини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Шуғулланувчилар ихтиёрига 4 та ўйингоҳ, 4 та спорт зали, 3 та сузиш ҳавзаси каби йирик, барча талабларга тўла жавоб бера оладиган замонавий иншоотлар бериб қўйилган.

Жамиятимиз ҳамда касаба уюшмаларининг тармоқ кўмиталари, ташкилот, муассаса, ҳўжаликларнинг маъмурият ва касабакўмлари ўртасида мустақкам алоқа ўрнатилган. Шу боис тармоқ ходимлари ўртасидаги турли оммавий тадбирлар намунали тарзда ўтказилмоқда. Айниқса, ҳар йили медицина, таълим ва фан, давлат муассасалари ходимларининг спартакиадалари, кишлоқ аёллари ўртасидаги мусобақалар юксак савияда ташкиллаштирилмоқда. Шу билан бирга спортчиларимиз республика мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Аллақачон аънавийлик макомини олган «Дўстлик байроғи» газетаси соврини учун ўтказилган меҳнаткашларнинг эстафета мусобақаси, уруш қатнашчилари, фахрийлар ва ногиронлар ўртасида ташкиллаштирилган шахмат-шаҳка турнири ҳамда БЎСМлар тарбияланувчиларининг

кураш беллашувлари кўпчилида катта қизиқиш уйғотмоқда. Вилоятимиз спортчилари зафарли иштирокни халқаро майдонларда ҳам давом эттиришмоқда. Масалан, О.Пухнатий, О.Цветковский, А.Агафонов, П.Васильев, С.Искандарова, А.Петрова сингари таниқли спортчиларимиз мамлакат тарма жамоаси сафида Сидней олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Ўтган сўнги икки йил мобайнида вилоят ногиронлар спортда юксалиш кўзга ташланди. 2000 йил бўлиб ўтган қитъа чемпионатига қатнашган икки нафар вақилимиз — М.Шароф ва Е.Шафрановлар мусобақадан голиб сифатида қайтишди. Орадан бироқ вақт ўтгач, Елена Шафранова Европа чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. Бу ютуқларга эришишда «Навоийазот» корхонасининг ҳомийлик ёрдами муҳим рол ўйнади.

Дарвоқе, спортчиларимиз бошқа халқаро миқёсдаги беллашувларда ҳам муваффақият билан қатнашмоқда. Масалан, ўтган йили Москва шаҳрида ўтказилган меҳнаткашлар халқаро спартакиадасида Навоий тоғ-металлургия комбинати (бирлашган касаба уюшма ташкилот) вакиллари — стритбол бўйича аёллар жамоаси шохсулага кўтарилди. Шу йилнинг 27 июн - 1 июл кунлари бўлиб ўтадиган, ўттиздан ортиқ хорижий давлатлар спортчилари иштирок этиши кутилаётган навбатдаги халқаро спартакиадага ҳам таклиф этилганмиш. Айни кунларда мазкур нуфузли мусобақага қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Умид қиламанки, бу гал ҳам вақилимизимиз мусобақадан совринли ўринларни эгаллаб қайтишад.

Шунингдек, ўсмирлар ўртасидаги олимпиада ўйинларининг бронза ме-



СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



дали (Москва, 1999 йил) совриндори хатирчилик теннисчи қиз Манзура Иноятовадан ҳам умидимиз катта. Зотан, халқаро майдонда етарли тажриба тўплаган Манзура бўлгуси беллашувларда вилоят, қолаверса, мамлакатимиз шўхратига шўхрат қўшишига шубҳа йўқ.

Касаба уюшмалари тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари аста-секин тажриба тўплаб, маҳоратларини ошириб катта спорт майдонига кириб келишмоқда. Айниқса, миллий кураш, самбо, дзюдо, армрестлинг бўйича машғулотларда қатнашаётган, ўз устида тинимсиз изланаётган ўнлаб ёшларимизнинг келажаги порлоқ. Бинобарин, кураш турлари бўйича ўн тўрт нафар спорт устасини тайёрлаган Хошим Шукуров, «Сўғдиёна» спорт клуби раҳбари, хизмат кўрсатган мураббий Виктор Петров, армрестлинг бўйича таниқли мутахассис Олег Шишков, 1 даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Исмоил Войидов сингари фидойи мураббийларимиз бор.

Виктор НАМ, Навоий вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари.

Қизилтепа туманида меҳнаткашлар ўртасида турли оммавий спорт тадбирларини ўтказиш яхши аънамага айланган. Тармоқ спартакиадалари, хотира турнирлари, хотин-қизлар ўртасидаги беллашувлар, шунингдек, Наврўз байрамга бағишланган кураш, кўпқари, отиб қочар каби миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақаларда кўзланган мақсадларга тўла маънода эришилмоқда. Чунки касаба уюшмаларининг фаол иштироки ва ташаббуси билан уюштирилаётган бу мусобақалар туман аҳлида ғоят катта қизиқиш уйғотмоқда.




РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфида 97 та спорт жамоаси бўлиб, улар 30 минг нафарга яқин кишини бирлаштирган.

Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли байдаркада сузиш, миллий кураш, самбо ва дзюдо турларида ихтисослашган БЎСМнинг бошланғич ҳамда ўқув-машқ гуруҳларида 422 нафар ёш спортчилар шўғулланишмоқда. Уларга 14 нафар малакали мураббий сабоқ бермоқда.

Миллий кураш ПОЛВОНЛАРИ КЎПДИР БУ ЭЛНИНГ

Ўшанда Майдонсойда тўй бўлаётган эди. Полвонлар майдонда бирин-кетин беллашаётган эди. — Ҳой нуроталик оқсоқоллар, яна майдонда беллашадиган белбоғи бор йигитларингиз қолдимиз, ўзи! Полвонларнинг навбатдаги галабасидан беҳад фахр ва гурур билан ва бироз менсимайроқ айтилган ушбу қақирдан бу ерда тўплаган оломон жим қолди. Шундоқ Майдонсой устига ястанган пуриқор тоғлардан ҳам, эндигина яшил либос кия бошлаган доврахтардан ҳам, хозиргина пойгадан қайтиб давра четига қатоф тизилиб турган чавандозли отлардан ҳам садо чиқмади. Борлиққа қуллоқларни ёриб юборгудек суқунат чўқди. Наҳмиддин чавандоз отда эди. Еш эди. Курашчи-полвонлиги ҳали жўралари даврасидан ортаманг эса-да, қақир йигирманчи баҳорини қаршилаган йигитга ҳамчидек ботди. Уят-ўлимдан оғир. Оқсоқолнинг нажот истаб боққан илтижоли нигоҳи унинг отдан сакраб тушишига кифоя қилди: — Мен чикаман! Майдон гувиллаб қолди. Бўйи икки метрлар келадиган алп келбати пахлавон олдида кўрақлари чиққан, белидан юқориси оёқларига нисбатан улуғ, қўллари тиззаларига осилиб тушган йигит гўдакдек ожиз туюлди. Айниқса, томошага келган аёлларнинг «Эҳ бечора, болафақирни эзиб ташлайди-ку» — дея очик-ошкора пичирлагани ҳам буни тасдиқларди. Мард майдонда синалади. Йиққан голиб, йиқилган мағлуб бўлади. Одамлар фотиҳага қўл очиди. Полвонлар бел олишдилар. Майдонсойлик полвон алп эди. Мард ва содда эди. Қаршисидаги полвонга беписандлик билан боқди. Эҳтиёткорликни унутди. Дабдурустан елкаси оша бўйнига ташланган қўллар қудратини сезмай ҳам қолди. Полвон олдинга мункиди, ёмон мункиди, тиззалаб қолди. Йиқилмади, кейин шиддат билан оёққа қалқди. Бу сафар бақувват қўллар Наҳмиддиннинг елкасидан — пўстинидан тутди, шундай шиддат билан тортичди, пўстин бўйнигача сурилиб яланғоч елка кўриниб қолди. Шунда полвоннинг кўзи елкадаги беш бармоқ изларига тушиб, бирдан қўллари бўшади. Полвонлар мард бўлади, полвонлар иримчи бўлади. «Мен енгилдим, — деди у кутилмагандай майдонни тарк этиб. — Бу бола зўр бўлади, хаддин зўр полвон бўлади». Наҳмиддин Майдонсойда илк соврин олди. «Наҳмиддин полвон» бўлиб эл озғига тушди. Эҳ-хе, ўшандан кейин қанча сувлар оқиб ўтди, — дея берилиб ҳўқоқа қилади Нурота туман халқ таълими бўлимига қарашли махсус кураш мактаби директори Турсунбой Ҳайитбоев. — Наҳмиддин полвон кўркам, келбатли киши эди. Самарқанд, Бўхоро, Қашқадарё, Сурхондарё музофотларидаги тўлар устиз — курашсиз ўтмасди. Елкаси ерга тегмади. Охирига мард тўйда курашиб, одамларнинг фотиҳасини олиб, элик ёшида майдонни тарк этди. Унг елкасида беш бармоқ излари бор эди. Улими олдиндан касалхонада ўзи кўзим билан кўрганман. Айтишларича, Наҳмиддин етти ойлик бўлиб, чала турилган. Даштликлар одатига кўра бундай болани оттуврага солиб сақлашган. Кунлардан бирида ўтов ташқарисида керагага илинган хуржун қуон ичида қолган. Момолар чақалокчи ювиш учун ечинтиришганда елкасидан беш бармоқ изларини кўришган ва бола ўлмай катта бўлса, зўр полвон бўлади, дейишган. Момолар ҳақ бўлиб чиқди. Болалик, кичик давралардаги курашлар, отда улоқ талашган кунлар ортда қолди. Наҳмиддин полвон номини олиб нафақат Ўзбекистонда, балки олис-олисларга ҳам ном таратди. 1953 йил. Тошкент. Республика газетаси соврини учун ўтказилган турнирда қорақалпоғистонлик Сапалок полвонни енгиб, «Халқ полвони» номини олди. Шу йили Ўрта Осиё ва Қозғистон Республикаларида беллашувида ҳам голиб деб топилди. Шохсуларлар бирин-кетин забт этилаверди. Миллий кураш бўйича 7 марта республика, 16 марта вилоят чемпиони бўлди. Кураш - нуроталикларнинг азалий удуми. Бу ерда бирон тўймаърақа курашсиз, улоқсиз ўтмаган. Ана шундай кунларда одамлар Наҳмиддин полвонни хурмат-эҳтиром, ифтихор билан эслашади.



ди. 1991 йилда туман миқёсида, 1992 йилда эса вилоят миқёсида халқ полвони хотира турнири ўтказилди. Унда Хо-разам, Қорақалпоғистон, Бўхоро, Самарқанд полвонлари ҳам Наҳмиддин полвон соврини учун бел олишдилар. 1993 йил декабрда Нуротада Наҳмиддин полвон Эгамбердиев номидида махсус кураш мактаби ташкил этилди. Ҳозир бу мактабда фаолият кўрсатаётган 21 нафар ўқитувчи-мураббий 40 та гуруҳда 463 нафар болага кураш сирларини ўргатмоқда. Улар ўзбек кураши, самбо, дзю-до каби спорт турлари бўйича туман, вилоят, республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси ва спорт қўмитаси ташкил этган ўзбек кураши мусобақаларида нуроталик полвонлар жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Анвар Беркинов, Музаффар Жийранов, Аслидин Қодиров, Ахтам Бердиев, Хуршид Бозоров, Жўрабек Эргашев сингари иқтидорли ёшлар спортбўлига беллашувларига тайёрланишмоқда. Ҳа ана шунча, полвонлари кўпдир бу элнинг!

С.ЯРАШЕВ.

Саҳифани Ялғош САРИЕВ ва Камол ОЛДЎЕВ тайёрлади.

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
 E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
 Босишга топшириш вақти - 21.00
 Топширилди 21.10

Маълумимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бўхоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичимини А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.